

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**355 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат  
реестридан чиқариш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил  
11 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 146-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2014 йил 11 июлдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сонли «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сонли «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сонли «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан киритилган Аҳоли билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун электрон назорат-касса маши-

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.*

налари (НКМ)га техник талабларни (рўйхат рақами 146, 1995 йил 29 май) қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш юзасидан 2008 йил 6 февралдаги 20-03-14/14-сонли тақдимноманинг талаблари бажарилмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Назорат-касса машиналарини жорий қилиш бўйича давлат идоралар-аро комиссиясининг 1995 йил 18 майдаги 15-1-60-сонли баёни билан тасдиқланган Аҳоли билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун электрон назорат-касса машиналари (НКМ)га техник талабларни (рўйхат рақами 146, 1995 йил 29 май) давлат реестридан чиқариш ҳақидаги мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ҳамда бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

3. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (Д. Саъдуллаев) мазкур буйруқнинг «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари М. Икрамов зиммасига юклансин.

**Вазир**

**Н. ЙЎЛДОШЕВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 11 июль,  
185-мҳ-сон